ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Ф.М. АХМЕДОВА

ДОРИШУНОС ШАХСИНИНГ КАСБИЙ ШАКЛЛАНИШИ

МОНОГРАФИЯ

ТОШКЕНТ
“KALEON PRESS”
2021

КБК: 52.81
УЎК 615.01
А 90

Ахмедова Ф.М.
Доришунос шахсининг касбий шаклланиши.[Матн]: Монография /Ф.Ахмедова.-Тошкент: **“KALEON PRESS”**, 2021, 120 б.

Ушбу монография доришунос ходимларни тайёрлаш мисолида ўқув жараёнида келажак мутахассисларининг шахсий фазилатлар билан касбий кўникмаларини шакллантириш жараёни уйғунлигини такомиллаштириш бўйича асосланган илмий-амалий тавсиялар ва таклифлар беришга бағишланган. Мутахассислар тайёрлашда доришунос шахсининг касбий шаклланиши жараёнини уйғунлаштиришнинг объектив ва субъектив элементларини қиёсий таҳлил этилиб, ушбу жараёнда меҳнат бозори талаблари асосида ходимлар тайёрлаш ишларини яхшилаш имкониятларини тадқиқ этилган.

Монография олий ўқув юртларининг ижтимоий соҳаларидаги профессор-ўқитувчилари, докторантлар, магистрантлар, талабалар, малака ошириш курслари тингловчилари учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

М.Б.Бекмуродов *социология фанлари доктори, профессор*

Тақризчилар:

А.Сагиқизи *фалсафа фанлари доктори, профессор*
А.Ж.Холбеков *социология фанлари доктори, профессор*
Х.Т.Хусанова *–социология фанлари номзоди, доцент*

Ушбу монография Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ Илмий-техник кенгашининг 11-сонли баённомаси (2021 йил 26 ноябрь) қарори асосида нашрга тавсия этилган

ISBN-978-9943-7890-2-9

© “KALEON PRESS”, 2021

Кириш

Мамлакатимизда малакали ходимларни тайёрлашда таълим соҳасини тубдан такомиллаштириш, таълим мазмунини халқаро стандартлар даражасига кўтариш, бўлажак мутахассислар тайёрлаш жараёнини амалиёт билан уйғунлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим» [13, 188]. Шу маънода бўлажак мутахассисларининг шахсий фазилатлар билан касбий кўникмаларни шакллантириш жараёнини уйғунлаштиришнинг объектив ва субъектив элементларини қиёсий таҳлил этиш, талабаларнинг шахсий фазилатлар билан касбий кўникмаларни шакллантириш жараёнини уйғунлаштиришда меҳнат бозори талаблари асосида ходимлар тайёрлаш ишларини такомиллаштириш илмий-амалий аҳамият касб этади.

Хозирги кунда мамлакатимизда малакали ходимларни тайёрлашда таълим соҳасини тубдан такомиллаштириш, ишлаб чиқариш билан чуқур интеграциялаш таълим мазмунини халқаро стандартлар даражасига кўтариш долзарб масалалардан саналади. Юртбошимиз таъкидлаганидек: «Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим» [13]. Шу маънода таълим тизимини ҳар томонлама модернизация қилиш ва юқори малакали ходимларни тайёрлаш самарадорлигини ошириш мақсадида ўқув дастурларини илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш илмий-амалий аҳамият касб этади.

Илмий-техник тараққиёт шароитида инсон фаолиятининг натижаси унинг интеллектуал салоҳиятли бўлиши ақлий меҳнат (илм,

таълим, малака), мобиллик (янги ва замонавий технологиялар билан автоматлашуви) ва ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида инсоннинг ижодий қобилиятларини ошириб бориши кўзда тутади. Касбий фаолият турли хил ахлоқий фазилатлар билан уйғун ҳолда шахснинг эмоционал интеллекти иштирокида содир бўлади. Инсоннинг ахлоқий туйғуси унинг фаолиятига бўлган муносабатини билдиради. Зеро, ўзликни жамоада мақбул намоён эттириш ўзига хос қадрият туридир. Мутахассис билимлари, кўникмалари, тажрибаси, иш жойи ва уйдаги мулоқоти унинг шахсий ҳаёти ва меҳнат фаолияти маданиятини белгилайди. Бу, ўз навбатида, умумий маданият билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ижтимоий ва ахлоқий фазилатларни акс эттиради ва касбий фаолиятнинг оқибатлари учун жавобгарликни белгилайди. Бу жараён “индивидуал ички рефлекс жараёни нафақат бошқаларни тушуниш, балки у мени қандай тушунади, деб ўйлаш” билан асосланган [56, 42-46-б.]. Мутахассиснинг ўз фаолиятига маъсулиятли муносабати бир томондан унинг шахсий фазилатидир. Иккинчи томондан эса, бу ҳолат ижтимоий масъулият ҳамдир. Ижтимоий масъулият касбий-ахлоқий маданиятнинг бир қисми бўлиб, ўз-ўзини таҳлил қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Шундай қилиб, чуқур билимга асосланган профессионаллик, ишлаб чиқарилган дори-дармонлар учун жавобгарлик туйғуси, ўзи, ҳамкасблари ва беморлар олдида виждонан пок бўлишидан иборат шахсий фазилатларни ўзида шакллантириш доришунослик соҳасидаги муваффақиятли фаолиятнинг калити ҳисобланади.

Маълумки, интеллектуал фаолият натижаларини тижоратлаштиришга ўтиш дори воситаларини ишлаб чиқариш ва технологик жараён соҳасидаги фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларни амалга ошириш, шунингдек, олинган натижаларни ишлаб чиқаришга жорий этишни ҳам ўз ичига олади. Ушбу тенденциялар замонавий талабларга жавоб берадиган кимё, биология ва ахборот технологиялари соҳаларида етарли тушунча ва тасаввурга эга бўлган фармацевтлар ҳамда интеллектуал мулкни бошқариш соҳасидаги фанлараро кўникмаларга эга бўлган янги турдаги юқори малакали доришунос кадрлар тайёрлашни тақозо этади. Шунингдек фармацевтлар янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга жорий этиш

усулларини чуқур эгаллаган, саноат соҳасидаги профессионал фаолиятнинг турли вазифаларини ҳал қилишга тайёр бўлган замонавий технология ва тадқиқот майдонларидаги жамоаларда мослаша олиш қобилиятига эга бўлиши керак. Бундан ташқари, ривожланаётган ва янгидан ташкил этилаётган фармацевтика саноати технологияларидан фойдаланишга қодир бўлган ишчилар (технологлар, кимёгарлар, лаборантлар ва бошқалар) билан таъминлаш муаммолари янада кескинлашмоқда. Бироқ, фармацевтика саноатида касбий фаолиятнинг барқарор, замонавий кадрлар билан таъминлашнинг ҳам миқдор, ҳам сифат кўрсаткичига эришишда олиб борилаётган тадқиқотлар натижаларининг кўрсатишича, замонавий фармацевтлар тайёрлаш учун фанлараро характерга мос харакатланишига, шунингдек, касб-ҳунар таълими тизими, олий таълим муассасаларидаги мавжуд муаммоларни тезда ҳал қилиш мураккаб масаладир.

Мамлакатимизда олиб борилган тадқиқотларда ўқув жараёни ва талабаларнинг касбий ва шахсий компетенцияларини ривожлантиришга қаратилган тадқиқотлар олиб борилган бўлсада, талабаларнинг шахсий ва касбий фазилатларини уйғун ҳолда шакллантиришни тизимли тадқиқ этиш масаласи, хусусан, фармацевтика соҳасидаги таълим жараёнига оид қатор долзарб масалалар етарлича социологик таҳлил қилинмаган. Бу эса, талабаларнинг шахсий фазилатлари билан касбий кўникмаларини шакллантириш жараёнидаги уйғунлик масаласини махсус социологик таҳлил этишни тақозо этади.

Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда ушбу рисолада қуйидаги вазифалар бажарилди:

олий таълимда бўлажак мутахассисларнинг шахсий фазилатлар билан касбий кўникмаларини шакллантириш жараёнини уйғунлаштириш омили моҳиятини тизимли тадқиқ этилди;

мутахассислар тайёрлашда шахсий фазилатлар билан касбий кўникмаларни шакллантириш жараёнини уйғунлаштиришнинг объектив ва субъектив элементларини қиёсий таҳлил этилди;

талабаларнинг шахсий фазилатлар билан касбий кўникмаларни шакллантириш жараёнини уйғунлаштиришда меҳнат бозори талаблари асосида ходимлар тайёрлаш ишларини яхшилаш имкониятларини тадқиқ этилди;

замонавий шароитда бўлғуси мутахассисларнинг касбий ва шахсий фазилатларини уйғунлаштиришда ментал ва ҳудудий таъсир жараёнларини тадқиқ этилди;

бўлажак мутахассисларнинг шахсий фазилатлари билан касбий кўникмаларини шакллантириш жараёнини уйғунлаштириш борасидаги миллий ва жаҳон тажрибасини қиёсий ўрганилди;

ўқув жараёнида келажак мутахассисларининг шахсий фазилатлар билан касбий кўникмаларини шакллантириш жараёни уйғунлигини такомиллаштириш бўйича асосланган илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;

меҳнат бозори талаблари асосидаги замонавий талабларга жавоб берадиган рақобатбардош фармацевтик ходимлар тайёрлаш самарадорлигини оширишнинг социологик имкониятлари (мақсадни белгилаш, мотивациялаш, ижтимоий фаоллик, саломатлик, соғлом турмуш тарзи, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга интилиш) аниқланди;

талабаларда касбий ва шахсий фазилатларнинг уйғунлаштирилиши ҳолати ва уларнинг бўлажак фаолиятга нисбатан лаёқатлилик даражаси идентиклиги иш берувчилар, ўқитувчилар ва талабалар эҳтиёжларига мувофиқ касбий ва шахсий компетенцияларни реал намоён бўлиш барқарорлигини эмпирик асослаш орқали аниқлаштирилди.